

**№ S/2 (3) - 2023**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ  
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES  
AND SOCIAL SCIENCES**



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ  
ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ  
ELECTRONIC JOURNAL**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

Махсус сон

***№ S/2 (3)-2023***

## **АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

Специальный выпуск

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**  
Special Issue

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### **07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:**

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### **08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:**

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойкулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б., Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### **09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:**

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Хошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукахаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

### **10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### **12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:**

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайтов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Файбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа оқтори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши хузуридаги Судъялар олий мактаби

#### **13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:**

Хашимова Дильдархон Уринбоэвна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент аҳборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниневна – педагогика фанлари доктори, доцент.

#### **19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлифи.

#### **22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Марҳабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### **23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР**

Назаров Насридин Атакулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

#### **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

#### **Crossref DOI:**

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

#### **Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари** электрон журнали  
1368-сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.

Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"  
масъулияти чекланган жамият.

#### **Таҳририят манзили:**

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-үй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

Телеграм канал:

[https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 - ТАРИХ ФАНЛАРИ

**Рахманова Мавлуда Эркин қизи**

СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССРГА ХАЛҚАРНИ МАЖБУРИЙ КЎЧИРИШ  
СИЁСАТИ ТАРИХШУНОСЛИГИ ..... 9-16

**Икромжонов Акмалжон Махмуджонович**

ФАХРУДДИН ЎЭЖАНДИЙ ЯШАГАН ДАВРДА МОВАРОУННАҲР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ  
ВАЗИЯТ ВА ИЛМ ФАН РИВОЖИ ..... 17-25

**Холдоров Зоҳиджон Валижон ўғли**

ТУРКИСТОН ЛЕГИОННИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ТАРИХИДАН ..... 26-34

**Хамирова Дилфуза Улуғбек қизи**

НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС ИЖОДКОРЛАР НИГОХИДА ..... 34-41

**Nag'ashboyev Qazbek Bozorboy uli**

SULTON RAXMONOV – SAYYORANING ENG KUCHLI ODAMI ..... 42-49

**Махмудов Махмуд Авазович**

ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ ШАРОИТИДА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ИЖТИМОЙ  
ТАБАҚАЛАШУВИ ..... 50-58

**Mamatov Bektosh Tolibjon o`g`li**

YALANGTO`SH BAHODIR VA ASHTARXONIY HUKMDORLAR ..... 59-66

### 08.00.00 - ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

**Muminova Elnoraxon Abdulkarimovna**

“YASHIL” IQTISODIYOTGA O’TISHNING XORIJY TAJRIBALARI ..... 66-75

**Файзуллоев Мирсаид Шухратович**

СОЛИҚ НАЗОРАТИ ТИЗИМИДА КАМЕРАЛ СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ  
АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ ..... 76-85

**Кахарова Нилюфар Эркинжоновна**

OKR МЕТОДОЛОГИЯСИ ХАҶИДА ТУШУНЧА, МАҶСАДИ, АФЗАЛЛИГИ, ЖАРАЁНДАН  
КУТИЛАДИГАН НАТИЖАЛАР ..... 86-91

**Насруллоев Ҳаётжон Ҳабибуллоевич**

СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИГА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ОРҚАЛИ СОЛИҚ БАЗАСИНИ КЕНГАЙТИРИШ  
ЙЎЛЛАРИ ..... 92-99

**Raxmonov Mirvoxid Rajabovich**

HUDUDNING INVESTISION JOZIBADORLIGI OMILLARINI  
EKONOMETRIK MODELLASHTIRISH ..... 100-107

**Насруллоев Ҳикматулло Ҳабибуллоевич**

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ УЧУН ЗАМОНАВИЙ РАҶАМЛИ  
ЕЧИМЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ..... 108-115

**Тоштемиров Шоҳруҳ Тошпўлатович**

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ КАПИТАЛ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА  
ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВНИНГ АҲАМИЯТИ ..... 116-120

<b>Насимов Равшанжон Азимович</b>	
МАМЛАКАТИМИЗДА СОЛИҚ ЮКИНИНГ СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ .....	121-130
<b>Nabieva Nilufar Muratovna</b>	
MARKETING AUDIT AND ITS IMPACT ON IMPROVING THE COMPETITIVENESS OF THE COMPANY.....	131-139
<b>Отамуродов Нуриддин Нажмиддинович</b>	
КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ COVID-19 ИНҚИРОЗ ДАВРИДА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СОЛИҚҚА ТОРТИШ МАСАЛАЛАРИ .....	140-148
<b>Hoshimov Jahongir Ravshanbek o'g'li</b>	
TO'G'RIDAN – TO'G'RI XORIJIY INVESTITISIYALARINI JALB QILISHDA MAMLAKAT XATARLARINI KAMAYTIRISH.....	149-155
<b>Yusupov Farruxbek Farxodovich</b>	
O'ZBEKİSTON RESPUBLİKASIDA SOLIQ MA'MURCHILIGIDA SOLIQ TO'LOVCHILARGA XİZMAT KO'RSATISHNI TAKOMILLASHTIRISH YO'LLARI.....	156-162
<b>Kunduzova Kumrixon Ibragimovna</b>	
KİCHIK BİZNES KORXONALARIDA MOLİYAVİY REJALASHTIRISH VA BYUDJETLASHTIRISHNING XUSUSİYATLARI .....	163-172
<b>Зиёдинова Нилуфар Зариф қизи</b>	
ИНВЕСТИЦИОН ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИНГ ЎРНИ .....	173-179
<b>Насимджанов Юнусжон Зоҳидович</b>	
МАМЛАКАТИМИЗ ҲУДУДЛАРДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ЕР СОЛИГИ МАЪМУРЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....	180-187
<b>09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ</b>	
<b>Ҳакимов Акмалжон Мирзаганиевич</b>	
ЦИВИЛИЗАЦИЯ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ГНОСЕОЛОГИК МОҲИЯТИ .....	188-192
<b>Холмирзаев Нодиржон Низомжонович</b>	
УРБАНИЗАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ .....	193-198
<b>Boboqulov Abror Abdug'ani o'g'li</b>	
"OPEN ARTIFICIAL INTELLIGENCE GPT" TIL MODELINING FALSAFIY TAHLILI .....	199-204
<b>Ялгашев Бунёд Махмудович</b>	
САМАРҚАНД ВОҲАСИ ЭТНИК ГУРУХЛАРИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА УЛАРНИГ ЯШАШ ТАРЗИ .....	205-213
<b>Safarov Maqsudali</b>	
ABU BAKR AR-ROZIYNING "TIBBI RUHONIY" (RUH TIBBIYOTI) ASARIDA G'AZABNI VA INSONNING O'Z KAMCHILLIKLARINI BARTARAF QILISH HAQIDA MULOHAZALAR .....	214-219
<b>Сохибова Лола Жонибоевна</b>	
ШАХС МАДАНИЙ САВИЯСИ – МАДАНИЙ РИВОЖЛАНГАНЛИК ИФОДАСИ .....	220-224

<b>Адашова Махсума Махмудбоевна</b>	
ИМОМ АБУ МАНСУР МОТУРИДИЙ ВА МОТУРИДИЙЛИК ТАЪЛИМОТИ – ДУНЁ ОЛИМЛАРИ НИГОХИДА.....	225-231
<b>Mukhammediyarova Akhmaral</b>	
PHILOSOPHICAL ANALYSIS OF THE CONCEPT OF NOOSPHERIC DEVELOPMENT IN THE ECOLOGICAL AND GLOBAL SECURITY SYSTEM .....	232-239
<b>10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ</b>	
<b>Tilovov Ozod, Isoqulova Gulxon</b>	
FRAZEOLGIK BIRLIKLARDA SONLARNING QO'LLANILISHI VA ULARNING RAMZIY MA'NOLARI.....	240-245
<b>Surmilova Elena</b>	
GENDER STUDIES IN LINGUISTICS AND THEIR APPLICATION IN ENGLISH LANGUAGE TEACHING .....	246-252
<b>Олимова Диляфрузхон Бахтиёржон қизи</b>	
ТИЛШУНОСЛИКДА БАҲО КАТЕГОРИЯСИ ВА УНИНГ ЎРГАНИЛИШИ .....	253-257
<b>Djurayev Dilshod Mamadiyarovich, Radjabova Madinabonu Raimovna</b>	
XITOY TILI GRAMMATIKASIDAGI “NATIJA TO'LIQLOVCHISI (结果补语).....	258-262
<b>Azzamov Yusufjon Radjaboy o'g'li, Jo'rayeva Xayriniso Shavkat qizi</b>	
EKOJURNALISTIKANING QO'LLANILISH KATEGORIYALARI .....	263-268
<b>Fillipova Olga Igorevna</b>	
CONVERGENCE OF STYLISTIC DEVICES AS A CATEGORY OF REDUNDANCY.....	269-278
<b>Ismoilova Dilorom Rustamjon kizi</b>	
LEXICAL UNITS OF THE SEMANTIC FIELD “MURDER”.....	279-285
<b>12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР</b>	
<b>Ильясов Баходир Ильясович</b>	
ELEKTRON DAVLAT XIZMATLARINI KO'RSATISHNING TASHKILIY-HUQUQIY MEXANIZMI VA UNING RIVOJLANISH YO'LLARI .....	286-293
<b>Чориева Хуршидабону Хуррам қизи</b>	
ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛАР ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК-ХУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДА ИШТИРОКИ .....	294-299
<b>Хаётов Анвар Хусанович</b>	
ХАЛҚАРО ОЛИМПИЯ ҚЎМИТАСИННИНГ МУХТОР МАҚОМИ ВА ТУРЛИ ҲУҚУҚ СУБЪЕКТЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ .....	300-307
<b>13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ</b>	
<b>Журабекова Хабиба Мадаминовна</b>	
РЕЧЕВАЯ АКТИВНОСТЬ КАК ВАЖНЫЙ ФАКТОР КОММУНИКАТИВНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ .....	308-315

**Tursunova Aziza Xoshimovna**

WEB TEKNOLOGIYALAR ASOSIDA BILIMNI NAZORAT QILUVCHI DIDAKTIK VOSITALAR  
YARATISH USULLARI ..... 316-321

**Oblanazarov Faxriddin Asadovich**

FUTBOLCHILARNI TAYYORLASHDA TA'LIM VA MASHG'ULOTNING ASOSIY QONUN-  
QOIDALARINI AMALGA OSHIRISH ..... 322-329

**Isroilova Dildora Muxtarovna, Solijonova Dildora Ulugbekovna**

IJTIMOIY-SIYOSIY MATNLAR TARJIMASINI O'QITISHDA LINGVOMADANIY OMILLARNING  
O'RNI ..... 330-335

**Satvoldiyev Faxriddin Akbarali o'g'li**

MAKTAB O'QUVCHILARI HUQUQIY TA'LIM – TARBIYASINI SHAKLLANTIRISH BORASIDA  
OLIB BORILGAN TAJRIBA SINOV ISHLARI NATIJALARINING PEDAGOGIK TAHLILI ..... 336-342

**Jurayev Bobomurod Tojiyevich**

SHARQDA PEDAGOGIK FAOLIYATNING MAYDONGA KELISHI VA RIVOJLANISHI ..... 343-350

09.00.00-Фалсафа фанлари

**Адашова Максума Махмудбоевна**  
Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети докторанти

## **ИМОМ АБУ МАНСУР МОТУРИДИЙ ВА МОТУРИДИЙЛИК ТАЪЛИМОТИ – ДУНЁ ОЛИМЛАРИ НИГОХИДА**

**Аннотация.** Мазкур мақолада ақида ва калом илмининг султони Имом Абу Мансур Мотуридийнинг буюк шахсияти ва илмий меросини ўрганиш бўйича дунё олимлари томонидан олиб борилган илмий фаолият натижалари ва уларнинг таҳлили бўйича маълумотлар берилади. Хусусан, туркиялик олимлар томонидан Имом Мотуридийнинг фалсафий меросини тадқиқ этиш бўйича амалга оширилган илмий тадқиқотлар тўғрисидаги маълумотлар таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** Имом Абу Мансур Мотуриди, калом илми, ақида илми, фалсафий мерос, мотуридия таълимоти, академик ишлар, хронологик таҳлил.

**Адашова Максума Махмудбоевна**  
Ташкентский государственный  
экономический университет, докторант

## **УЧЕНИЕ ИМАМА АБУ МАНСУР МОТУРИДИ И МОТУРИДИ – В ГЛАЗАХ МИРОВЫХ УЧЕНЫХ**

**Аннотация.** В данной статье представлена информация о результатах научной деятельности и их анализе, проведенном мировыми учеными по изучению великой личности и научного наследия имама Абу Мансура Мотуриди, султана Акыды и Калама. В частности, были проанализированы данные научных исследований, проведенных турецкими учеными по изучению философского наследия имама Мотуриди.

**Ключевые слова:** имам Абу Мансур Мотуриди, слововедение, наука веры, философское наследие, учение Мотуриди, академические труды, хронологический анализ.

**Adashova Maksuma Makhmudboevna**  
Tashkent State University of Economics  
Doctoral student

## **THE TEACHINGS OF IMAM ABU MANSUR MOTURIDI AND MOTURIDI - IN THE VIEW OF THE WORLD'S SCIENTISTS**

**Annotation.** This article provides information on the results of scientific activity and their analysis conducted by world scientists on the study of the great personality and scientific heritage of Imam Abu Mansur Moturidi, the Sultan of Aqeedah and Kalam. In particular, the data on the scientific research carried out by Turkish scientists on the research of the philosophical heritage of Imam Moturidi were analyzed.

**Key words:** Imam Abu Mansur Moturidi, science of words, science of belief, philosophical heritage, teaching of Moturidi, academic works, chronological analysis.

DOI: <https://doi.org/10.47390/B1342V3SI2Y2023N29>

## Кириш

Калом илмининг Самарқанд мактабини яратган машхур ҳидоят имоми Абу Мансур Мотуридий етук мутакаллим ва муфассир сифатида жаҳон цивилизацияси тарихий тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб, ўзидан ўчмас из қолдирган Мовароуннаҳрлик олим ҳисобланади. Имом Мотуридий 870-944 йиллар оралиғида Аббосий ҳалифалардан Мутаваккил ҳамда Мовароуннаҳрдаги буюк Сомонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида ўз фаолиятини олиб борган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Имом Абу Мансур Мотуридий ҳамда Мотуридийлик таълимотининг алломаларини хотирлаб, шундай таъкидлаган эди: “Мотуридия таълимоти илм эгаллаш жараёнида бағрикенглик ғояси асосида инсон ақл-заковатининг ўрни ва аҳамиятига юксак эътибор қаратади. Бу, ўз навбатида, ушбу таълимотнинг кенг оммалашувида муҳим ўрин тутади. Бундай ғояларга бугунги кунда ҳам инсоният катта эҳтиёж сезмоқда”[1;Б.1.]. Дарҳақиқат, Имом Мотуридий томонидан диний ва дунёвий илм мувозанатини барқарор тараққий этиш йўлида олиб борган фидокорона хизматлари биз авлодлар учун муносиб ўrnак вазифасини ўташи муқаррар.

## Адабиётлар таҳлили ва методологияси

Имом Абу Мансур Мотуридий ва Мотуридийлик таълимоти билан боғлиқ академик ишлар ва уларнинг натижалари илмий жиҳатдан баҳоланаар экан, ислом фалсафаси тарихида чуқур из қолдирган мотурудийлик таълимотининг дунё илм-фани оламига кириб келиши ҳамда динийлик ва дунёвийлик мувозанатини сақлашда муҳим ғоявий қарашларни илгари суришлиқдаги ноёб илмий фаолият натижалари дунё олимлари томонидан катта қизиқиш билан ўрганиб келинмоқда.

Бугунги кунда Имом Мотуридий илмий меросини тадқиқ этиш бўйича дунёнинг бир қатор нуфузли университетлари ҳамда илмий тадқиқот марказлари кенг қамровли илмий фаолиятларни амалга оширмоқда. Хусусан, Heidelberg University, Freiburg University, Center of Islamic Studies in Freiburg, Berlin Freie University, Ruhr-Universität Bochum (Германия), Cambridge University, University of Oxford (Буюк Британия), Columbia University, Cornell University, Illinois University (АҚШ), The Faculty of Law and Economics of Paris University, University of Lyon (Франция), International Society of Arabic Papyrology in Leiden-Holland (Нидерландия) каби Фарб тадқиқот марказларида Мотуридийлик таълимоти бугунги кунга қадар умумий - ислом тарихида фаолият олиб борган мактаблар қаторида ўрганилган. Damascus University (Сурія), Cairo University (Миср), Turkish Religious Foundation Centre for Islamic Studies, Suleymaniye Library, Ankara universitesi Ilahiyat Fakultesi, Istanbul universitesi Ilahiyat fakultesi, Marmara universitesi Ilahiyat Fakultesi, İslam Araştırmaları Merkezi (İSAM) (Туркия) каби давлатларда[2;Б.6.] Абу Мансур Мотуридий илмий мероси ҳамда Мотуридийлик таълимотига боғлиқ тадқиқотлар амалга оширилган. Юртимизда Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳамда Имом Мотуридий халқаро илмий тадқиқот марказлари томонидан ҳам юксак савиядаги тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Имом Абу Мансур Мотуридийнинг фалсафий мероси билан боғлиқ масалалар хорижий илмий тадқиқотларда кенг доирада ўрганилган. Хусусан, немис олими

У.Рудольф, турк олимлари М. Шерафеддин Ялткая, Аҳмет Веҳби Эжер, Аҳмет Ақ, Сонmez Кутлу, Ҳулия Алпер, мисрлик олим Аҳмад Саъд Даманхурий, франциялик профессор Карим Ифрак ва бошқа кўплаб тадқиқотчилар томонидан юксак савияда ўрганилган. Ҳусусан, Сонmez Кутлу, Ҳулия Алпер, Аҳмет Ақ, Ш.Дюзгун, М.Язичўғлу каби бугунги кунда шу соҳада чуқур изланишлар олиб бораётган турк мотуридийшунос олимларининг Ином Мотуридийнинг илмий меросини ўрганиш ва Мотуридийлик таълимотини замонавий ёшдашувлар асосида тушунтириб бериш бўйича олиб бораётган тадқиқотлари катта аҳамиятга эга. Улар Мотуридийлик таълимотининг тарихи, худудлар миқёсида ёйилиши, мазкур таълимотнинг онтологик ва гносеологик жиҳатлари ва бугунги глобаллашув шароитида мотуридийликнинг миллатлар мафқураси ва менталитетига таъсири тўғрисида қизқин тортишув ҳамда баҳсларга бой тадқиқотларни амалга оширмоқда[3;Б.6.].

### **Муҳокама ва натижалар**

Ином Абу Мансур Мотуридийнинг илмий мероси – араб дунёсида асосан Ашъария таълимоти кенг ўрганилиши сабабли, араб олимлари томонидан нисбатан кам ўрганилар эди. Айнан имом Абу Мансур Мотуридийнинг тафсири тадқиқоти билан шуғулланган араб олимларидан фақатгина Фотима Юсуф ал-Хаймий ва Маждий Басаллумларни келтириш мумкин эди. Узоқ йиллар давомида араб олимлари руҳиятида имом Абу Мансур Мотуридийнинг илмий-фалсафий мероси ва Мотуридийлик таълимотида баён қилинган илмий масалаларни ўрганиш ва тадқиқ этиш бўйича совуққонлик кайфияти ҳукм сурган. Бугунги кунга келиб эса бу кайфият ижобий томонга ўзгариб, араб илмий мактаблари томонидан янгича ёндошувларга асосланган тадқиқотлар амалга оширилмоқда[3;Б.7.]. Ҳусусан, ҳозирги замон араб мотуридийшунос олимларидан бири Аҳмад Саъд Даманхурий имом Мотуридийга шундай таъриф беради: “Ўз даврида Мотуридий Афлотундан кейинги иккинчи фалсафий олим ҳисобланган. Бу факт илмий доиралар, дунё зиёлилари томонидан тан олинган”. Мисрнинг собиқ муфтийси, Ал-Азҳар нуфузли уламолар кенгаши аъзоси шайх Али Жумъа шундай таъриф келтиради: “Дарҳақиқат, имом, хужжат, суннатнинг ҳимоячиси, бидъатни йўқقا чиқарувчи Абу Мансур Мотуридий Қуръонни раъй асосида тафсир қилган мактабнинг буюк устозларидан бири бўлган. У зот “Таъвилот ал-Қуръон” номли сермаҳсул асарни ёздилар. Бу асар ўз соҳасида ягона, бу ўринда хужжат бўладиган бир асаддир. Батаҳқиқ, Ином Мотуридий турли илмлар бўйича қомусий олим бўлган”[4;Б.1.].

Туркиялик олимлар фаолиятига назар ташлайдиган бўлсақ, Ином Абу Мансур Мотуридий ва мотуридийлик таълимоти билан боғлиқ дастлабки тадқиқот иши Шерафеддин Яткая томонидан олиб борилган ва 1932 йилда Истанбулда «Дорул-Фунун» илоҳиёт факультетининг илмий журналида нашр этилган.[5;Б.381.] Навбатдаги илмий тадқиқот иши эса, Юсуф Зия Ёрукан томонидан олиб борилди ва 1953 йилда Анқара университетининг илоҳиёт факультети тасарруфидаги илмий журналда нашр этилди. Учинчи тадқиқот иши Муҳаммад Танжи томонидан ўрганилиб, 1955 йилда Анқара университетининг илоҳиёт факультети тасарруфидаги илмий журналда чоп этилди. Бу тадқиқотларнинг ҳар қайсиси ўзининг илмий салоҳияти бўйича ўз даври учун қимматли тадқиқот ишлар ҳисобланган.

1956 йилдан то 1970 йилгача Туркияда Абу Мансур ал-Мотуридий ва мотуридийлик таълимотини ўрганиш бўйича муҳим тадқиқотлар амалга оширилмаган.

Кейинчалик, 1973 йилда Аҳмет Веҳби Эжернинг “Абу Мансур Ал-Мотуридий” номли мақоласи ва 1978 йилда эса Абу Мансур ал-Мотуридий ва мотуридийлик таълимотини ўрганишга бағишлиланган бир қанча асарлар, жумладан “Буюк Турк олими Мотуридий” номли китоб нашр этилди.[5;Б.384.] Мазкур тадқиқотлар натижасида Абу Мансур ал-Мотуридий ва мотуридийлик таълимоти номининг танилишига ва алломанинг қарашларини ўз асарлари орқали танишиб олиш имкониятининг вужудга келиши сабаб бўлди.

Абу Мансур ал-Мотуридийнинг ислом оламида жуда нозик ҳисобланган “Китоб ат-Тавҳид” – асари 1970 йилда Фатҳуллоҳ Хулайф томонидан Байрутда нашр этилган. Ҳозирда у Англиядаги қўлёзма фондларининг бирида сақланади[6;Б.13.]. Ушбу асарнинг 1979 йилда Истанбулда нашр этилиши Туркияда Абу Мансур ал-Мотуридий ва мотуридийлик таълимотини ўрганиш борасидаги илмий тадқиқот ишларининг кенг доирада силжишига туртки бўлди.

Кейинчалик, туркиялик олимлар томонидан “Таъвилот ул-Қуръон” асарининг ҳам ўрганилиши ва тематик тадқиқотлар устида изланишлар олиб борилиши бу соҳани тадқиқ этувчилар сонининг сезиларли даражада қўпайишига сабаб бўлди. “Таъвилоту аҳлис-Сунна” ёки “Таъвилот ал-Қуръон” асари саккиз мужалладдан иборат бу асар Қуръони Каримнинг тафсири бўлиб, унда асосан, исломий ақидага нисбатан турли карашлар баён этилиб, мотуридия ақидаси асосида уларга баҳо берилган. Тафсирни Абу Мансур ал-Мотуридийнинг шоҳ асари деб аташ мумкин. Унинг қўлёзма нусҳалари Миср, Макка, Дамашқ, Ҳиндистон, Туркия ва Тошкент кутубхоналарида сақланмоқда. Тошкент нусҳалари тақрибан 700 йил бурун қўчирилган. Асарнинг биринчи жилди Мисрда нашр этилган. Тафсирга Алоуддин Абу Бакр Мұхаммад ибн Аҳмад ас-Самарқандий шарҳ ёзган. Бу шарҳ қўлёзмаси ҳануз чоп этилмаган”[7;Б.5.]. Ф.Сезгин ўзининг “Араб қўлёзмалари тарихи” асарида “Таъвилот аҳл ас-сунна” асарининг дунё фондидаги нусҳалари ҳақида қимматли маълумот беради. Бу эса ўз навбатида асарнинг қайси фондларда, нусҳалари нечта жилдан иборат эканлигини аниқлаш имконини туғдиради”[6;Б.15.].

1980 йилдан кейин асосан Анқара ва Истанбулдаги университетларнинг илоҳиёт факультетларида Абу Мансур ал-Мотуридий ва мотуридийлик таълимотининг мазмун-моҳиятини ўрганишга қаратилган мұхим академик изланишлар олиб борилди. 1986 йилда эса илк маротаба Туркияning жанубий ҳудудида жойлашган Кайсери шаҳрида Абу Мансур ал-Мотуридий ва мотуридийлик таълимоти билан боғлиқ Туркия бўйлаб илмий симпозиум ўтказилди. Мазкур симпозиумда тақдим этилган ҳабарлар ҳамда илмий тадқиқот натижалари кейинчалик 1990 йилда китоб шаклига келтирилиб нашр этилди. Бу симпозиумда тақдим этилган маълумотлардан ташкил топган китоб Туркияда Абу Мансур ал-Мотуридий ва мотуридийлик таълимотини англашга йўналтирилган мұхим бир ташабbus бўлди ва бундан кейингги мавзуга алоқадор изланишлар устида иш олиб боришга замин яратди.

Туркия исломшунослик марказининг сўнгги маълумотларига кўра, турк олимларининг аксарияти сўнгги ўн йилликларда Абу Мансур ал-Мотуридий ва мотуридийлик таълимотини илмий асосларда ўрганиш бўйича юздан ортиқ тезис иши ва 30 дан ортиқ докторлик диссертациясини ҳимоя қилганлар. Мазкур тадқиқот ишларида турк олимлари томонидан Абу Мансур ал-Мотуридийнинг ҳаёти, асарлари, усули, сиёсий, эътиқодий ва фалсафий қарашлари, Абу Ҳанифа билан алоқаси, ҳадисни

тушуниши, фиқҳ усули ва ақида илми, Муътазилия мазҳаби, Шиа оқимиға нисбатан ўзига хос нуқтаи назари, Мотуридийлик олимларининг ҳаёти ва дунёқарашлари, Мотуридийлик ва Ашъарийлик орасидаги алоқалар, ўхшаш ва фарқли жиҳатлари, Мотуридийликнинг шаклланиши ва тарқалиши каби мавзулар устида фаолият олиб борилди. Бундан ташқари, бу изланишлар натижасида мотуридийшунос олимларининг асарлари ўрганилиб, турли тадқиқотлар ўтказилди, ўтказилган тадқиқотларнинг илмий асослари текширилиб, тадқиқот натижалари миллий ва хорижий нашрларда чоп этилди. Ўрганилган янги маълумотлар бевосита турк тилига таржима қилиниб, мақола ва тезислар кўринишида йиғилиб, мавзуга алоқадор жамланмалар ва китоблар холига келтирилди.

Халқаро симпозиумларнинг биринчиси Мармарা Университети Илоҳиёт факультети билан Исломшунослик тадқиқотлари фондининг ҳамкорлигига 2009 йилнинг 22-24 март кунлари Истанбулда “Катта турк олими Имом Мотурудий ва мотурудийлик халқаро илмий баҳс учрашуви” номли тадбир ташкил этилди ва бу ерда тақдим этилган ҳужжатлар 2012 йилда Истанбулда “Катта турк олими Имом Мотурудий ва Мотурудийлик халқаро илмий баҳс учрашуви” номи билан чоп эттирилди. Иккинчи халқаро симпозиум эса 2014 йилнинг 28-30-апрелида Эскишаҳарда «Эскишаҳар Усмон Фози Университети»да “Улуғ бир чинор Имом Мотурудий халқаро симпозиуми” ташкил этилди ва бу ерда 60 дан ортиқ ҳужжатлар киритилган. Бу ерга киритилган ҳужжатлар “Улуғ бир чинор Имом Мотурудий халқаро симпозиуми ҳужжатлар китоби” номи билан Истанбулда 2014 йилда чоп этилган [5;Б.385.]. Халқаро симпозиумларнинг учинчиси 2017 йилнинг 5-7 май кунлари “IV. Халқаро Шайх Шабани Вали Симпозиуми – Ҳанафийлик – Мотурудийлик – Симпозиуми” Кастамону Университети томонидан ташкил этилган ва бу ерга 150 га яқин ҳужжат киритилган, киритилган ҳужжатлар ўша йилнинг ўзида 3 та жилд шаклида чоп этилган. 2009 йилда нашр этилган “Салжуқийлар даврида Мотурудийлик” номли тадқиқот ишида Мотурудийликнинг Салжуқийлар даврида кенг тарқалишининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-маданий шарт-шароитлари тўғрисида муҳим маълумотлар келтирилган. Асарнинг биринчи қисмida Салжуқийлар давридаги сиёсий, ижтимоий ва диний вазият ҳақида қисқа, лекин муҳим маълумотлар берилган[9;Б.29.]. Иккинчи қисмда эса, Салжуқийлар даврида Хуросон ва Мовароуннаҳрда мотурудийликни тарқалишининг сиёсий ва ижтимоий-сиёсий омиллари таҳлил қилинган. Шунингдек, муаллиф Салжуқийлар давридаги Ҳанафий-Мотурудий олимларининг қўллётзмалари, Имом Мотурудийнинг калом илми ҳамда Ҳанафий фиқҳига доир муҳим маълумотлар билан ҳам таништиради. Асарнинг сўнги қисмидан жой олган қўшимча маълумотларнинг биринчисида “Салжуқийлар даврида Ҳанафий-Мотурудий олимларининг рўйхати”, иккинчисида эса шу олимларнинг асарлари тўғрисидаги маълумотлар жой олган. 2010 йилда Меҳмет Саффет Сарикая томонидан ёзилган “Мотурудийнинг дин тушунчасида бағрикенглик” номли мақоласида эса, Абу Мансур ал-Мотурудийнинг асарлари ва замонавий илмий тадқиқот натижалари асосида, алломанинг бошқа эътиқод ва мазҳабдагиларга нисбатан муносабати кенг доирада очиб берилган [10;Б.146.].

Туркияда Имом Мотурудий ва Мотурудийлик мавзуси бўйича иккита академик журналнинг маҳсус сонлари нашр қилинди. Булардан биринчиси Ҳикмет Юрду Журнали 2/4 (Июл-Декабр 2009); иккинчиси эса Милол ва Ниҳол Журнали 7/2 (Август 2010)дир.

Ҳикмет Юрду Журналида “Мотурудийнинг тафаккур тизимининг аҳамияти”, “Мотурудийнинг имоннинг зиёда бўлишини ифодаловчи оятларга ёндашуви”, “Мотурудийга кўра коинот ва инсоннинг яратилиш ҳикмати”, “Мотурудийнинг турк маданиятидаги ўрни”, “Имом Мотурудийнинг ҳаёти, асарлари ва ислом тафаккуридаги ўрни” каби мавзуларга жой берилган. Туркияда чоп этилган журналлар орасида Мотурудий ва Мотурудийлик билан боғлиқ маҳсус сон бўлгани туфайли Мотурудий ва Мотурудийликнинг қисқа вақт ичида кенг оммани жалб қила олганида муҳим рол ўйнайди.

### **Хуроса**

Ҳар бир инсоннинг ҳақиқат дунёсига олиб кетиши мумкин бўлган ягона бойлиги унинг имони соясида адo этилган солиҳ амалларидир. Солиҳ амаллар деганда, ўз биродарлари учун Аллоҳ йўлида энг мақбул бўлган ишларни амалга ошириш назарда тутилади. Бунга оддий кўчат экишдан то илму-маърифат чироғини ёқишгача бўлган масофадаги ҳайрли ишлар жамлангандир. Ҳазрат Имом Абу Мансур ал-Мотуридий бобомизнинг қалом илми борасида қилган ишлари ана шу илму-маърифат чироғини бутун дунё мусулмонлари орасида муқаддас динимизнинг асл мазмун-моҳиятини тўлиқ очиб берувчи восита бўлиб шаклланишига сабаб бўлди. Алломанинг мерос қилиб қолдирган “Китоб ат-Тавҳид” ҳамда “Таъвилот ал-Қуръон” номли асарлари эса одамларни пок имонга, соф эътиқодга риоя қилишга, динимизнинг асл ғоявий илдизларини англаб етишга, эзгу амалларни сидқидилдан бажаришга ундейди. Фикри ожизимизга кўра, буюк алломанинг нодир асарларини мукаммал ўрганиб, илмий жиҳатдан таҳлил ва тадқиқ этишимиз ҳамда жаҳон олимлари эътироф этган асл мазмун-моҳиятини англаб етишимиз, барчамиз учун ҳар хил бемаъни ғоя ва ақидаларга эргашмасдан, тўғри йўл топиб кетишимизга, шунингдек, соф беғараз эътиқодларга эришишимизга асосий туртки бўлади десак муболага бўлмайди.

### **Адабиётлар/Литература/References:**

1. <http://president.uz> 2016 йил 18-19 октябр куни бўлиб ўтган Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидағи нутқи.
2. Оқилов С. IX-XII асрларда мовароуннаҳрда Мотуридия таълимотининг пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихи. Тар.фан.бўй. фал.док. (DSc) автореф. УЎК: 28-9(575)“IX/VII” О-98 2022. - Б. 6.
3. Y. Ziya Yörükân, “İslam Akaid Sisteminde Gelişmeler İmam-Azam Ebû Hanife ve İmam Ebû Mansûr-i Mâtürîdî” AÜİFD (Ankara Üniversitesi İlahiyat Fakültesi Dergisi), Ankara, 1953, c.2, sy. 2-3, s. 127-142.
4. <https://t.me/maturidicenteruz>
5. Ahmet Ak, Maturidi ve Maturidilik ile ilgili Türkçe Akademik Çalışmaların Değerlendirmesi. Journal of Islamic Research 2018; 29(2):380-98. S.381
6. Зиёдов Ш.Ал-Абу Мансур ал-Мотуридий ҳаёти ва мероси, А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти Т; 2000 й. 13 б

7. Абдулазиз Мансур "Ақоид матнлари" Тошкент Ислом Университети нашриёти Т; 2006 й 5 б.
8. Зиёдов Ш.Ал-Мотуридий ҳаёти ва мероси, А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти Т; 2000 й. 15 б.
9. Ahmet Ak, Selçuklular Döneminde Matüridilik, Yayınevi Yay., Ankara, 2009, s. 29-67.
10. Sarıkaya, M. Saffet, "Maturîdî'nin Din Anlayışında Hoşgörü". e-Makalat Mezhep Araştırmaları Dergisi, 2010, sy., 3, s. 146-164

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

Махсус сон

**№ S/2 (3) – 2023**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**  
Специальный выпуск

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**  
**Special Issue**

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари**” электрон  
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-  
сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
масъулияти чекланган жамият

**Таҳририят манзили:**  
100070. Тошкент шаҳри, Яққасарой  
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-  
уй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)  
**Боғланиш учун телефонлар:**  
(99) 602-09-84 (telegram).